

**“Шаргункўмир” акциядорлик жамияти  
тафтиш комиссиясининг хулосаси**

“23” май 2022 йил

Тошкент шаҳри

Тафтиш комиссияси:

Шакиров Азамат Аскаралиевич - раис  
Юлдашов Жалолиддин Ярашевич - аъзо  
Абдухакимова Нозима Равшановна - аъзо

**Жамиятнинг 2022 йил 1 чорак якуни бўйича молиявий кўрсаткичлари  
қуйидаги кўринишда бўлган:**

| т\р | Кўрсаткичлар номи                             | Минг,сўм          |                    |            |
|-----|---|-------------------|--------------------|------------|
|     |   | 2021й.<br>1 чорак | 2022 й.<br>1 чорак | -/+ фарки  |
| 1.  | Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум           | 24 633 883        | 15 423 421         | -9 210 462 |
| 2.  | Сотилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш таннархи | 13 816 037        | 11 568 233         | -2 247 804 |
| 3.  | Маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойда      | 10 817 846        | 3 855 188          | -6 962 658 |
| 4.  | Дебиторлик қарзлари                           | 79 160 794        | 80 323 500         | 1 162 706  |
| 5.  | Кредиторлик қарзлари                          | 73 136 619        | 90 112 249         | 16 975 630 |
| 6.  | Давр харажатлари                              | 10 123 123        | 7 217 925          | -9 401 398 |
| 7.  | Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари          | 1 369 977         | 550 462            | -819 515   |
| 8.  | Асосий фаолиятнинг фойдаси                    | 2 064 699         | -2 812 275         | -          |
| 9.  | Молиявий фаолият бўйича харажатлар            | 45 091            | 133 645            | 88 554     |
| 10. | Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда            | 2 019 962         | -2 945 920         | -          |
| 11. | Фойда солиғи                                  | 305 434           | -                  | -          |
| 12. | Ҳисобот давридаги соф фойда                   | 1 714 527         | -2 945 920         | -          |

2022 йил 1 чоракда 66 минг тонна кўмир ишлаб чиқариш режалаштирилган эди, ҳақиқатда эса 34 минг тонна кўмир ишлаб чиқарилди. Бизнес режага нисбатан 51 фоизга, 2021 йил 1 чоракка нисбатан эса 54 фоизга бажарилган.

Жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини таҳлил қилганда, 2021 йил 1 чорак якуни бўйича дебитор қарзлари 79 160 794 минг сўм бўлган бўлса, 2022 йил 1 чорак якуни бўйича 80 323 500 минг сўмни ташкил этган. Дебиторлик қарзлари аввалги йилга нисбатан 1 162 706 минг сўмга кўпайган. Дебитор қарздорликлар таркиби таҳлил қилинганда асосий қисми 62 274 020 минг сўми, “Шаргункўмир” АЖ ни модернизация қилиш учун Хитой Эксимбанки кредит маблағлари ҳисобидан, CRTG-CCTEG компанияларига 01.06.2016-йилдаги №CRTG-CCTEG-UZ-SHARGUN-2016-01-сонли шартноманинг 1.6-бандига асосан ўтказилган 30% олдиндан тўлов эвазига юзага келганлиги, қолган 18 049 480 минг сўми маҳсулот сотиш, солиқ ва бюджет тўловларига олдиндан тўлов ва бошқа дебитор қарздорликлар юзасидан юзага келган.

Кредитор қарзлари 2021 йил 1 чорак якуни бўйича 73 136 619 минг сўм бўлган бўлса, 2022 йил 1 чорак якуни бўйича 90 112 249 минг сўмни ташкил этган. Кредиторлик қарзлари аввалги йилга нисбатан 16 975 630 минг сўмга кўпайган.

Кредитор қарздорликлар таҳлил қилинганда, 32 618 380 минг сўм кредиторлик қарздорликлар асосан “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва унинг таркибидаги корхона ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган ЁММ маҳсулотлари, ёғоч маҳсулотлари ҳамда бошқа олинган ТМБ лар ҳисобидан юзага келган.

Жамиятнинг 2022 йил 1 чоракда маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойдаси 3 855 188 минг сўмни ташкил этган ва бу аввалги йилга нисбатан 6 962 658 минг сўмга камайган. Корхонанинг 2022 йил 1 чорак якуни бўйича фойда солиғи тўлагунга қадар 2 945 920 минг сўмни ташкил этган. Натижада жамиятнинг олган зарари 2 945 920 минг сўмни ташкил этади.

Жамият томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, 2022 йилнинг 1 чорагида тузилган шартномаларнинг умумий сони 295 та бўлиб, улардан 36 таси тўғридан-тўғри тузилган, 1 та шартнома кооперация портал орқали тузилган, шунингдек 10 та шартнома давлат харидлари махсус ахборот портали орқали, 244 та эса Хт-харид технологиялари орқали, 4 та аффилиланган шахслар билан тузилган.

Тафтиш комиссияси раиси:

А.А. Шакиров

Тафтиш комиссияси аъзолари:

Ж.Я. Юлдашев

Н.Р. Абдухакимова